

Расулов Т.С.
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Махмасобирова Н.У.
ТошДШИ 1-курс магистранти

ТУРКИЯ ИҚТИСОДИЁТИДА ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК СОҲАЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА УЛАРГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Калит сўзлар: юқори технологик соҳалар, инновация, хорижий инвестиция, венчур капитал, технопарк, эркин иқтисодий ҳудудлар, стартаплар

Ключевые слова: высоко технологические отрасли, инновация, иностранные инвестиции, венчурный капитал, технопарк, свободные экономические зоны, стартапы;

Key words: high technology sectors, innovation, foreign investment, venture capital, technopark, free economic zones, startups.

Резюме. Мақолада юқори технологик соҳаларнинг Туркия иқтисодиётида тутган ўрни ёритилган бўлиб, Туркия юқори технологик соҳаларининг ривожланиш тарихи, ҳозирги ҳолати, муаммо ва истиқболларига назар ташланган.

Резюме. В данной статье анализируется роль высоко технологических отраслей в экономике Турции и были рассмотрены история развития, нынешняя ситуация, проблемы и перспективы в данной сфере.

Resume. The article analyzes the role of high technology sectors in the economy of Turkey and considers the history of development, current situation, problems and perspectives in this sphere.

Глобализация ва интеграция жараёнлари жадал ривожланаётган бир даврда, мамлакатни ривожлантиришнинг узок муддатли мақсадларига эришиш ва шу билан бир қаторда аҳоли турмушини фаровонлигини таъминлашда юксак инноватцион фаолият муҳим омиллардан саналади. Шу билан бирга, бир неча йиллардан бери ҳали ҳанузгача ўз таъсири кўрсатаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жаҳон мамлакатларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишда юқори технологик соҳаларни ривожлантириш аҳамиятини оширмоқда. Шунинг учун ҳам дунёнинг нафақат ривожланган балки, ривожланаётган мамлакатларида ҳам инновацион фаолиятни йўлга қўйиш, мамлакатда ишлаб чиқариш ва олий таълим ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, эркин иқтисодий ва инновацион зоналар ҳамда технологик ривожланиш ҳудудлари (технопарклар) ташкил этиш, стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва мамлакат ҳудудида катта миқдордаги венчур капитал тўпланишига замин

яратишга интилоқлар. Чунки, бугунги кунда, айнан шу соҳаларнинг ривожланганлик даражаси барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди ва жаҳон ҳўжалигида мамлакатнинг ўрнини, рақобатбардошлик даражасини белгилайди. Шу билан бир қаторда юқори технологик соҳалар, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишда муҳим ҳисобланиб, иқтисодиётни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқувчи тармоқлар ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётда юқори технологик соҳаларнинг аҳамияти ҳақида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримов шундай деган эдилар: “Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни ҳолисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт. Эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор”¹.

Туркия бугун жаҳон ҳўжалигига жадал суръатларда интеграциялашиб бормоқда. Сўнгги йигирма йил давомида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 4,8 фоизга ўсди. Қисқа вақт ичида ёқилғи манбаларига эга бўлмаган мамлакат минтақада етакчилиكنи қўлга олиб, иқтисодиёти кўламига кўра Эрон, Саудия Арабистони, БАА ва Исроил каби мамлакатларни ортда қолдирди. Шунингдек, бу даврда иқтисодиётнинг тармоқ таркиби ҳам ўзгарди: ЯИМда қишлоқ ҳўжалигининг ҳажми 2002-йилги 12,2 фоиздан 2014-йилда 8,8 фоизга тушди, саноатнинг улуши ошиб 30,3 фоиздан 32,9 фоизга чиқди, хизматлар соҳасининг улуши эса 54,8 дан 56,1 га етди. Жаҳон Банкнинг 2015-йил якунлари тўғрисидаги ҳисоботида кўра эса, Туркия 189 та мамлакат ичидан бизнес юритиш индекси бўйича 55-ўринни эгаллади. “Моноритар инвесторларни ҳимоя қилиш”, “электр тармоқларига уланиш”, “имзоланган шартномаларни бажариш” субиндекслари бўйича эса, 13, 34 ва 38-ўринларни эгалладиз.

Туркия иқтисодиётида юқори технологик соҳаларнинг ўрни йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу билан бир қаторда ушбу тармоқларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Юроқи технологик соҳалардан онлайн (электрон)-савдо (е-соммерсе) ва интернет инфратузилмасини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатда амалга оширилаётган саноатни ривожлантириш, инновацияларни иқтисодиётдаги аҳамиятини ошириш борасидаги лойиҳалар ҳамда хорижий инвесторлар, халқаро ва минтақавий банкларнинг бу соҳаларга киритаётган инвестиция ва кредитлари Туркияда рақамли саноатнинг ривожланишига замин яратмоқда.

¹ www.gov.uz / Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси 12.11.2010.

² Türkiye İstatistik Kurumu URL: www.tuik.gov.tr (дата обращения 08.07.2015).

³ Doing Business 2015. The World Bank Group. 12th edition. <http://www.doingbusiness.org/reports/global-reports/doing-business-2015>

Туркия Бош Вазири Ражиб Таййиб Эрдоган Туркия олдида 2023-йилга келиб дунёнинг энг ривожланган 10 та мамлакат қаторига кириш, кейинги 15 йил ичидан аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ миқдорини 10500 АҚШ долларидан 25000 АҚШ долларига етказиш каби вазифалар тургани ва бу ўринда мамлакатда юқори технологик соҳа ва тармоқларни ривожлантириш масаласи муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтган⁴. Шу сабабли ҳам, Туркия иқтисодиётида юқори технологик соҳаларнинг тутган ўрнини тадқиқ қилиш ва бу соҳани ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммо ва истиқболларни таҳлил этиш долзарб мавзулардан ҳисобланади.

Туркияда юқори технологик соҳаларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнини баҳолаш учун мамлакат илм-фан ва юқори технологик соҳаларни ривожлантириш тарихини кўриб чиқиш лозим. Туркияда илм-фан ва технологияларни мақсадли ривожлантириш бўйича сиёсат 1960-йиллардан, яъни, мамлакатда биринчи миллий ривожланиш режаси (1963-1967) тузилган даврдан бошланди. 1960-1970-йиллар давомида олиб борилган сиёсатда асосий эътибор табиий фанлар доирасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантиришга қаратилган эди. 1963-йилда мамлакат президенти Камол Гурсел ташаббуси билан дастлабки беш йиллик режага мувофиқ мамлакатда Туркия Фан ва технологиялар кенгаши (ТУБИТАК) ташкил этилди⁵. Ушбу ташкилот бугунги кунгача ҳам бутун мамлакат бўйича фан ва технологияларни ривожланишини назорат қилувчи марказий кенгаш ҳисобланади ва унинг қошидаги 15 дан ортиқ илмий-тадқиқот институтларида 1500 дан ортиқ олим ва тадқиқотчилар фаолият юритади. Ушбу ташкилот, шунингдек, тадқиқотларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш, юқори технологик соҳалар ва илм-фан ўртасида ҳамкорликни таъминлашда асосий ролни ўйнаб, юқори технологик соҳаларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

1983 йилда мамлакатда юқори технологик тармоқларни янада ривожлантириш ҳамда инновацион фаолиятни кенг йўлга қўйиш мақсадида Туркия Фан ва технологиялар юқори кенгаши (ФТЮК) ташкил этилди. Ушбу орган мамлакатда инновацион сиёсатни олиб боровчи ташкилот ҳисобланади. Бугунги кунда ФТЮК миллий инновацион тизимнинг асосий элементи бўлиб, ТУБИТАК унга нисбатан секретариат вазифасини амалга ошириб келмоқда.

ФТЮК ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилот - Туркия технологик ривожланиш Фонди - мамлакатда асосан хусусий сектор ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, текеломмуникация, электроника каби юқори технологик соҳаларга инвестициялар киритиш билан шуғулланди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатда юқори технологик соҳаларни янада ривожлантириш ҳамда уларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида, мамлакат ҳукумати томонидан саноатни ривожлантириш сиёсати ҳамда миллий инновацион тизимни шакллантириш жараёнида

⁴ Recep Tayyip Erdoğan, “Turkish Economy meets EU Entry Criteria”, in The Huffington Post, 28 November 2012, <http://huff.to/Seljto>.

⁵ www.tubitak.gov.tr- Scientific and Technical Research Council (TUBITAK)

технопарклар ва технологик ривожланиш ҳудудларини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, мамлакатда технопарклар сони бугун 60 дан ортиқни ташкил қилмоқда. Шунингдек, Туркияда технологияларни ривожлантириш марказлари – инкубаторлар (11 дан ортиқ) ни ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда⁶.

Туркияда юқори технологик соҳаларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган биринчи расмий ҳужжат 1983 йилда тайёрланди ва дастурга “Туркиянинг илмий сиёсати: 1983-2003” (“Turkish Science Policy: 1983-2003”) номи берилди. Ушу дастурда технологияларнинг мамлакат ривожигаги тутган муҳим роли алоҳида таъкидланиб, уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Бу Туркияда юқори технологик соҳаларни ривожлантириш борасидаги энг муҳим қадамлардан бўлди⁷.

1993 йилда ФТЮК янги давлат дастури – “Туркиянинг илмий ва технологик сиёсати: 1993-2003” ни қабул қилди. Ушбу дастур мамлакатда 1990-йиллар давомида амалга оширилган кўплаб ислохотлар учун асос бўлиб хизмат қилди⁸. Бу мамлакатни “инновацияга йўналган мамлакат” сифатида эътироф этиб, замонавий илмий-тадқиқот инфраструктурасини шакллантириш учун муҳим рол ўйнади. Ушбу дастур шунингдек, 1995-йилда қабул қилинган ҳамда Туркия иқтисодий ўсишининг еттинчи беш йиллик дастури (1996-2000- йилларни қамраб олади) нинг асосий элементида бирига айланган “Фан ва технологияда стимул” лойиҳаси (“The Project for Impetus in Science and Technology”) учун асос вазифасини бажарди.

2000йилнинг декабрь ойида ФТЮК томонидан кейинги йигирма йиллик давомида Туркияда инновацион соҳа ва юқори технологик тармоқларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларини белгилаб берган: “Vision 2023: илмий-техник стратегия” дастури ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа замонавий Foresight технологияси асосида тузилган ҳамда 2005 йилда қабул қилинган. Бу дастур Тукия Ресубликасининг ташкил этилганлигининг 100 йиллигигача, яъни 2023 йилгача амалга оширилиши лозим бўлган, кўплаб устувор иқтисодий режа ва мақсадларнинг асосий қисми ҳисобаланди.

Туркияда ҳозирги кунга қадар юқори технологик соҳаларнинг ривожига мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилган “Фан, технология ва инновацияларни 2011-2016- йиллар давомида ривожлантириш миллий стратегияси” дастури ҳамда инновацион соҳага юқори малакали кадрларни жалб қилиш борасида амалга оширилган “Фан ва Технология: Инсон ресурслари стратегияси ва ҳаракат режаси 2011-2016” (“Science and Technology: Human Resources Strategy and Action Plan 2011-2016”) дастурлари муҳим рол ўйнаган⁹.

⁶ Daniel Gros, Can Selçuki. “The Changing Structure of Turkey’s Trade and Industrial Competitiveness: Implications for the EU”, in Global Turkey in Europe Working Papers, No. 3 (January 2013), <http://www.iai.it/en/node/165>

⁷ TUBITAK, Research, Development and Innovation in Turkey, 2004. <http://www.tubitak.gov.tr/btpd/arsiv>

⁸ European Commission, Innovation policy issues in seven Candidate Countries: the challenges, 2003, http://www.cordis.lu/innovation-policy/studies/geo_study3.htm

⁹ Innovation Policy Profile, Turkey. http://www.cordis.lu/innovationpolicy/studies/geo_study3.htm#workingdocs

Туркия учун юқори технологик соҳаларни риволантиришда устувор соҳалар сифатида биотехнологиялар, коммуникация технологиялари ва рақамли телекоммуникацияларни, шунингдек дам олиш индустрияси ҳамда туризм соҳаларни айтиб ўтиш мумкиндир.

Туркияда юқори технологик соҳаларга инвестициялар киритишнинг 3 та ихтисослаштирилган ҳудудлари бор¹⁰:

1. Технопарклар. Технопарклар (технологик ривожланиш зоналари) – илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва юқори технологик соҳаларга инвестицияларни жалб қилиш мақсадида ташкил этиладиган махсус ҳудудлар. Туркияда бугун 63 га яқин технопарклар мавжуд бўлиб, улардан 50 таси ўз фаолиятини олиб борса, 13 таси ташкил этилиш босқичида турибди. Технопаркларнинг устун жиҳатларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- 2023-йилнинг 31-декабрига қадар дастурий таъминот яратиш, тадқиқот ва ишланмалар ва лойиҳалаштириш ишларидан келган фойда даромад солиғи ва корпоратив солиқдан озод этилади;

- Фақатгина технопаркларда яратилган амалий дастурий таъминотдан келган фойда 2023-йилнинг 31-декабрига қадар қўшимча қиймат солиғидан озод этилади. Бундай дастурий таъминотларга бошқарув, маълумотларни бошқариш, турли фаолият соҳасидаги савдо вазифаларини ечувчи, интернет, мобил телефонлар учун яратилган дастурий таъминотлар ҳамда оператив бошқарув ҳарбий тизимлари киритилади;

- Технопаркдаги иттки соҳасида фаолият юритувчи тадқиқотчилар ва хизмат кўрсатувчи персоналлар 2023-йилнинг 31-декабрига қадар барча турдаги солиқлардан озод қилинган. Аммо, бундай солиқ имтиёзига эга бўлган хизмат кўрсатувчи персоналлар сони умумий ходимлар сонининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим;

- Корхона бошлиғи ва вазирликнинг рухсатига кўра технопаркда яратилган юқори технологик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун инвестициялар киритиш имконияти мавжуд;

- 2023-йилнинг 31-декабригача технопарклар ходимларининг ижтимоий суғурталарининг 50 фоизи миқдоридаги суммаси давлат томонидан қопланади;

- Технопарк ҳудудига олиб кириладиган импорт товарлари божхона божидан озод қилинади.

2. Ташкиллаштирилган саноат зоналари. Бундай саноат ҳудудлари махсус инфраструктура шаклланган жойларда шакллантирилади ва имтиёзли инвестиция муҳитига эга бўлади. Бугун Туркиянинг 80 та манзилларида 284 дан ортиқ ташкиллаштирилган саноат зоналари мавжуд. Уларнинг 215 таси ҳозир фаолият юритса, 69 таси шакллантириш босқичидадир¹¹. Туркиядаги инвестицияларни рағбатлантириш тизими (инвестицияларни рағбатлантиришнинг умумий чора-тадбирлари, инвестицияларни

¹⁰ <http://www.invest.gov.tr/ru-RU/investmentguide/investorguide/Pages/RedirectPage.aspx>

¹¹ Турция в условиях новых внутренних и внешних реалий /Под ред. Ульянов Н.Ю., Уразовой Е.И. – М., 2010. – 256 с.

рағбатлантиришнинг минтакавий чора-тадбирлари, инвестицияларни рағбатлантиришнинг стратегик чора-тадбирлари, аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари, фан ва ишланмаларни рағбатлантириш чора-тадбирлари) билан бир қаторда ташкиллаштирилган саноат зоналарида қуйидаги имтиёзлар мавжуддир:

- Ер участкаси олиш учун қўшимча қиймат солиғидан озод этилганлик;
- Саноат корхонасини қурган пайдан бошлаб 5 йил давомида қўчмас мулк солиғидан озод этилганлик;
- Коммунал хизматлар нархларининг нисбатан арзонлиги;
- Ер участкаларини бирлаштириш ёки ажратиш борасидаги солиқдан озод этилганлик. Саноат корхонасини қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича маҳаллий солиқлардан озод этилганлик;
- Саноат корхонаси махсус маҳаллий хизматлардан фойдаланмаган тақдирда, саноат корхонасининг қаттиқ чиқиндилар учун солиқдан озод этилганлиги ва бошқалар.

3. Эркин зоналар. Эркин зоналар деганда мамлакатнинг божхона чегараларидан ташқарида аммо сиёсий чегараси доирасида ташкил этилган махсус ҳудудларга айтилади. Бундай зоналарни ташкил этишдан мақсад экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестициялар ҳажмини оширишдир. Бундай ҳудудларда мамлакатнинг божхона чегараларида савдо, молия ва иқтисодий соҳаларида қўлланиладиган юридик, административ нормалар қисман амал қилинади ёки умуман амал қилмайди. Ҳозирки кунда Туркияда 20 дан ортиқ эркин зоналар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисми Европа Иттифоқи ва Ўрта Шарқ бозорларига яқин ҳудудларда ва Туркиянинг Ўрта Ер денгизи, Эгей денгизи ва Қора денгиздаги катта порт шаҳарларида жойлашган. Эркин зоналарнинг ўзига хос имтиёзлари ва хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин¹²:

- Божхона божлари ва бошқа турдаги божлардан 100% озод бўлиш;
- Саноат корхоналари учун корпоратив даромад солиғининг бутунлай бекор қилингани.
- Қўшимча қиймат солиғи ва махсус истеъмол солиғидан 100% озод этилганлик.
- Махсус ҳужжатлар турларининг герб тўловидан озод этилганлиги;
- Ишчиларнинг ойлик маошларидан тўлайдиган солиқлардан 100% озод этилгани (фақат эркин ҳудудда ишлаб чиқарилган товар таннархининг камида 85%ини ФОБ шартлари орқали экспорт қилувчи корхонларга тегишли).
- Товарларнинг эркин зона ҳудудида чегараланмаган муддатда сақланиши мумкинлиги;
- Эркин зона ҳудудида олинган фойда чекланмаган ҳолатда чет эл ёки Туркия ҳудуди бўйлаб ўтказилиши мумкин.

¹² <http://www.invest.gov.tr/ru-RU/investmentguide/investorguide/Pages/RedirectPage.aspx>

Туркияда шунингдек, мамлакатда инновацион соҳанинг, юқори технологик тармоқларнинг ривожда олий таълим муассаларининг ўрни юқоридир.

1-жадвал

Туркияда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш кўрсаткичлари (2015-2016):

Кўрсаткичлар	2015		2016	
	миқдор	жаҳондаг и ўрни	миқдор	жаҳонда ги ўрни
Бизнес вакиллари томонидан амалга оширилган ИТТКИлар (ЯИМга нисбатан %да)	0,5	34	0,5	36
ИТТКИларнинг бизнес томонидан молиялаштирилиши (100 фоиздан)	48,9	21	50,9	20
ИТТКИларнинг чет элдан молиялаштирилиши (100 фоиздан)	0,8	91	1,1	87

Манба: The Global Innovation Index 2015: Effective Innovation Policies for Development. Cornell University, INSEAD, and WIPO. – Geneva, 2015; Cornell University, INSEAD, and WIPO (2016): The Global Innovation Index 2016: Winning with Global innovation. Ithaca, Fontainebleau, and Geneva, 2016.

Мамлакатдаги олиб борилган илмий тадқиқот лойиҳалари ва яратилган ишланмаларнинг деярли 64 фоизи айнан олий таълим муассалари ҳиссасига тўғри келади. Агар яратилаётган юқори технологик маҳсулот олий таълим муассаси билан ҳамкорликда яратилса, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун молиялаштириш миқдори 30 фоизга оширилади. Бу ҳам ишлаб чиқариш ва олий таълим муассасалари ўртасидаги интеграциянинг кучайишига олиб келади¹³. Қуйидаги 2.1.1-жадвалда Туркияда ИТТКИ соҳасини молиялаштириш бўйича кўрсаткичлар келтирилган.

Юқоридаги жадавдан кўришимиз мумкинки, Туркия бизнес вакиллари томонидан илмий тадқиқот ишларининг ва таржиба-конструкторлик ишланмаларининг олиб борилиши ва молиялаштирилиши бўйича жаҳонда етакчи ўринларни эгаллайди. Мисол учун, 2016-йилда 2015 йилга нисбатан ИТТКИларнинг бизнес ва чет эл инвесторлари томонидан молиялаштирилиши жаҳми нисбатан ўсган. Бу статистик маълумотлар Туркиянинг бизнес ва инвестицион муҳити янада яхшиланаётганидан дарак беради.

¹³ <http://www.gmu-countries.ru/asia/turkey/nis.html>

Юқори технологик товар ва хизматларнинг Туркия ташқи савдосидаги ўрни:

Кўрсаткичлар	2015		2016	
	миқдор	жаҳонда- ги ўрни	миқдор	жаҳонда- ги ўрни
Юқори технологиялар импорти (умумий савдога нисбатан % да)	7,5	59	8,9	49
Коммуникациялар, компьютер ва ахборот хизматлари (АКТ) импорти (умумий савдога нисбатан % да)	0,1	120	0,1	118
Юқори технологиялар экспорти (умумий савдога нисбатан % да)	0,1	99	1,2	116
Коммуникациялар, компьютер ва ахборот хизматлари (АКТ) экспорти (умумий савдога нисбатан % да)	1,7	50	0,1	62

Манба: The Global Innovation Index 2015: Effective Innovation Policies for Development. Cornell University, INSEAD, and WIPO. – Geneva, 2015; Cornell University, INSEAD, and WIPO (2016): The Global Innovation Index 2016: Winning with Global innovation. Ithaca, Fontainebleau, and Geneva, 2016.

Юқори технологик соҳалар ҳеч шубҳасиз ҳар қайси мамлакатнинг ташқи савдосида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, иқтисодий ривожланган мамлакатлар юқори технологик товар ва хизматларнинг экспортидан катта фойда кўrsa, ривожланаётган мамлакатлар юқори технологик товар ва хизматлар импортига боғлиқ бўлади. Юқоридаги 2-жадвалда кўришимиз мумкинки, юқори технологик товар ва хизматларнинг Туркиянинг ташқи савдосидаги муҳим ўрин тутди. Юқори технологиялар импорти Туркиянинг 2015-йилги умумий ташқи савдо ҳажмининг 7,5 фоизи, 2016-йилги ташқи савдо ҳажмининг 8,9 фоизини ташкил этди. Бу кўрсаткич бўйича мамлакат жаҳондаги позициясини бир йилнинг ўзида 10 та поғонага кўтаришга эришди. Бу ҳолат Туркия импортининг технологик йўналганлигидан далолат беради. Аммо, юқори технологиялар экспорти ҳамда АКТ хизматлари экспорти бўйича Туркиянинг кўрсаткичлари ўтган йилгига нисбатан пасайганини кўришимиз мумкин. Бу эса, Туркияда юқори технологик тармоқларни ривожлантириш, қўшимча қийматга эга бўлган юқори технологик товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозимлигидан далолат беради. Бу соҳаларда Туркиянинг салоҳияти ҳали тўлиғича ишга туширилмаган бўлиб, хорижий инвесторлар учун бу кўплаб имкониятларни беради.

Туркияга 2016-йилда 16 млрд.АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди. Уларнинг деярли 12,5 фоизи ёки 2 миллиард АҚШ доллари ахборот ва алоқа соҳасига йўналтирилди.

Бугунги кунда Туркия аҳолисининг деярли 85 фоизи шахсий мобил курилмаларига эга бўлиб, мамлакатда 30 миллиондан ортиқ киши Фейсбук ижтимоий тармоғидан фойдаланади. Туркия мобил курилмалар орқали электрон савдо (е-соммерсе) қилиш бўйича дунёда 3-ўринда туради ҳамда мамлакатда 4 миллиондан ортиқ киши мобил банкинг тизимидан фойдаланди. Шунинг учун ҳам, Туркиянинг юқори технологик соҳаларига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ўзига хос хусусиятларига назар солсак, хорижий инвесторлар электрон савдо (е-соммерсе) ҳамда интернет соҳасига катта инвестициялар киритаётганларига гувоҳ бўлишимиз мумкин¹⁴. Мисол учун, 212 Капитал Партнерс трансмийллик компанияси 2015-йилда Туркияда 30 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестицион лойиҳани бошлаган бўлса, БАА га тегишли Abraaj Group компанияси 2007-йилдан бери Туркия юқори технологик тармоқларига 800 млн.АҚШ долларида зийёд инвестиция киритди. Бу компаниялар Туркияда бир қанча стартап лойиҳаларининг ишга тушиши учун улкан имконият яратди. Буларга бугунги кунда БАА, Омон, Қатар, Саудия Арабистони, Ливан ва Грестартапияда фаолият олиб бораётган ҳамда 44 млн.АҚШ доллари қийматидаги капиталга эга бўлган Yemek Sepeti таом етказиб бериш хизматини, 3,5 млн.АҚШ доллари қийматидаги капиталга эга бўлган ҳамда дунёнинг 71 дан ортиқ мамлакатларида ўз манзилига эга бўлган Flat4Day стартапини, ҳали шахсий банк картаси бўлмаган ёшларга препаид тизимидаги пластик карточлар бериш билан шуғулланувчи ва мамлакатдаги 200 мингдан ортиқ бизнес субъектлари томонидан тан олинган, 2014-йил ҳолатига кўра 1 миллиондан ортиқ пластик карточларга эга бўлган Ininal стартапини мисол қилиб келтиришимиз мумкин¹⁵.

Шунингдек, АҚШ нинг Вадофоне компанияси Туркияда ўз фаолиятини бошлаган бўлса, яна бир АҚШ компанияси eBay 200 миллион АҚШ доллари инвестиция киритиб Туркиянинг GittiGidiyor.com онлайн-савдо компаниясини сотиб олди. Амазон.ком ҳам мамлакатдаги кўплаб онлайн савдо компанияларига ўз инвестицияларини киритмоқда. Жанубий Африкага тегишли Naspers компанияси Туркиянинг замонавий кийим-кечак сотиш билан шуғулланувчи интернет сайти –Маркафони аксияларини сотиб олди.

Бу каби ислохотларни амалга оширишда албатта Туркияда тарихан шаклланган савдо муносабатларининг ўрни ҳам юқоридир. Бугун мамлакатда фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳиссасига умумий бизнес кўламининг 97 фоизи ҳамда иқтисодиётнинг турли соҳаларида банд аҳолининг 80 фоизи тўғри келади¹⁶.

2016-йилнинг бошида Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (EBRD – European Bank of Reconstruction and Development) Туркияга юқори технологик денгизости кабель тизимини қуриш учун катта миқдоридаги инвестиция киритди. Ушбу кабел тизими Сингапурдан Франция ва

¹⁴ [www.go.redirectingat.com/Technology Is The Path To Turkey's Future](http://www.go.redirectingat.com/Technology%20Is%20The%20Path%20To%20Turkey%27s%20Future). Posted Mar 31, 2015 by [Metehan Oguz](#)

¹⁵ <http://www.hurriyetdailynews.com/business.aspx?PageID=393&NewsCatID=345> Turkish startup investments shift to high-tech. December/11/2015

¹⁶ [www.go.redirectingat.com/Technology Is The Path To Turkey's Future](http://www.go.redirectingat.com/Technology%20Is%20The%20Path%20To%20Turkey%27s%20Future). Posted Mar 31, 2015 by [Metehan Oguz](#)

Италиягача бўлган 17 та мамлакатни бирлаштиради. ЕТТБ ушбу денгиз ости кабел тизимини кураётган Туркиянинг энг катта телекоммуникастартация компанияси Türk Telekom Groupга 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция киритди. Ушбу киритилган инвестиция денгиз остига кабел линияларини ётқизиш ҳамда Туркиянинг ғарбий қисмидаги Мугла вилоятида, Ўрта Ер денгизи қирғоғида жойлашган Мармарис шаҳрида денгизости кабеллари тизимини, улардаги тезлик ҳамда куч ҳаракатини назорат қилувчи ўзаро боғловчи бўлинма ташкил этиш учун сарфланди¹⁷.

Қиймати 700 млн. АҚШ долларига баҳоланган СЕА-МЕ-ВЕ 5 (South-East Asia - Middle East - Western Europe 5) лойиҳаси 20 минг километр узунликка эга бўлиб, у Жануби-Шарқий Осиё, Ҳиндистон субконтиненти ҳамда Ўрта Шарқ ва Европани бирлаштиради. Ушбу юқори технологик фибро-оптик кабел тизими фаолиятига 2017-йилнинг 16-январ куни Гавайининг пойтахти Ганалулу шаҳрида старт берилди. Кабелнинг лойиҳалаштирилган тезлиги секундига 24 терабитни ташкил этган ва бугунги кунда, кабель тизими ишга тушгандан сўнг, унинг 100 Гигабайтли технологияси Европа ва Осиё ўртасида юқори тезликдаги интернет тармоғини таъминламоқда¹⁸.

Ушбу тизим Туркияда интернет инфратузилмасининг яхшиланишига олиб келади ва ривожланиб бораётган мамлакатнинг Европа, АҚШ ва Осиё мамлакатлари билан онлайн-савдо қилиш имкониятларини кенгайтиради.

ЕБРД нинг Туркиядаги операстартациялари бўйича директори Jean-Patrick Marquet бу лойиҳа ҳақида қуйидагича фикр бирлдирган эди: “Ушбу мега интернет инфраструктура лойиҳаси телекоммуникация орқали бизнес қилиш учун янги ва замонавий платформа вазифасини ўтайди. Бу Туркияда кучли рақамли саноат ривожланишига ёрдам кўрсатиб, мамлакатга жаҳон рақамли иқтисодиётининг гигант компанияларидан инвестициялар келишини кучайтиради”.

Түрк Телеком Интернационалнинг Молия бўлими бошлиғи Сэм Велипасўглу ушбу лойиҳа ва Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг Туркиядаги фаолияти ҳақида: “Биз ЕТТБ нинг Туркиянинг СЕА-МЕ-ВЕ 5 лойиҳасини молиялаштириш учун кредит ажратганидан жуда ҳам мамнунмиз. ЕТТБ Туркиянинг узок вақт давомида ишонган ҳамкори бўлиб келмоқда ҳамда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш ва ривожланиш, рақамли инфраструктуранинг ривожланишига катта ёрдам кўрсатмоқда”, - деб таъкидлаган эди.

ЕТТБнинг Туркия иқтисодиётига юқори технологик соҳаларга инвестиция киритишдан мақсад Туркияда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ҳисобланади. ЕТТБ Туркияга инвестиция киритишни 2009-йилда бошлаган ва бугунги кунда Истанбул, Анқара ҳамда Газиантепа шаҳарларида офислари мавжуд. Банкнинг Туркия иқтисодиётига киритаётган инвестицияларининг 98 фоизи хусусий секторга йўналтирилади. Шу

¹⁷ <http://www.ebrd.com/> EBRD funds Turkey's investment in high-tech undersea cable system

¹⁸ www.seaewe5.com/ SEA-ME-WE 5 PROJECT LAUNCH CELEBRATION EVENT, A REMENDOUS SUCCESS

пайтгача ЕТТБ 200 дан ортиқ лойихага 8 млрд. АҚШ долларида зиёд ҳажмдаги инвестициялар йўналтирган. У шунингдек, бошқа молиялаштириш манбалари орқали ушбу венчур бизнесларга 17 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни жалб қилишга ёрдам кўрсатган. ЕТТБ нинг 2016-2018-йиллар учун устувор мақсадлари иқтисодий ўсишни яна ошириш, минтақавий интеграцияни кучайтириш ҳамда глобал муаммоларни ҳал қилишга қаратилгандир¹⁹.

2011-йилда қабул қилинган “Туркия Саноат Стратегияси: ЕИ аъзолиги сари” саноат дастури Туркияда юқори технологик соҳалар ривожда муҳим ўрин тутган эди. Зеро, ушбу дастур мамлакатда юқори технологик соҳаларда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини таъминлаш ва ишлаб чиқариш ва экспортда ўрта ва юқори технологик соҳалар улушини оширишга туртки бўлди. Кейинчалик, ушбу дастурнинг давоми сифатида Туркиянинг Миллий Фан, Технология ва Инновацион стратегияси (2011-2016) ҳамда 10-Ривожланиш Режаси (2014-2018) қабул қилинди²⁰. Ушбу дастурлар 2023-йилга келиб Туркияни ўрта даромадли мамлакатлар тузоғидан чиқиши ҳамда иқтисодиётни инноватив жиҳатдан ривожланиши учун замин яратиши лозимдир.

Туркиянинг 10-Ривожланиш режаси мамлакатнинг юқори технологик соҳаларини ривожлантириш борасидаги ҳозирги кундаги энг муҳим дастурлардан бири ҳисобланади. Ушбу дастурнинг асосий мақсади роқабатга асосланган, экспортга йўналтирилган, хусусий сектор томонидан етакланадиган иқтисодиётни шакллантириш ва саноатда юқори технологик тармоқлари улушини ошириш орқали барқарор ва юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобланади. Ушбу дастурнинг 4 та асосий принципи мавжуддир²¹:

- Малакали кадрлар ва кучли жамият;
- Инноватив ишлаб чиқариш, барқарор ва юқори ўсиш;
- Яшаш учун қулай жойлар ва барқарор атроф-муҳит;
- Ривожланиш борасидаги халқаро ҳамкорлик.

Иккинчи асосий тамойил бўлган инноватив ишлаб чиқариш, барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш тамойили мамлакатнинг юқори технологик тармоқларни ривожлантириш орқали унинг рақобатбардошлигини таъминлаш масаласини олдинга суради. Бунда эса, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инсон капитали ҳамда ишчи кучи бозорини ривожлантириш, технологиялар ва инновацияларнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш, бозор инфраструктурасини ривожлантириш ҳамда институционал сифат даражасини ошириш муҳим ҳисобланади. Ушбу сиёсат доирасида ютуққа эришиш учун, шунингдек, нарх барқарорлиги, молия тизими ва фискал сиёсатни мустаҳкамлаш, фан, технология ва инноватив имкониятларни ривожлантириш, тадбиркорлик ва ўрта ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, интеллектуал ҳуқуқ соҳаларини ислоҳ қилиш,

¹⁹ <http://www.ebrd.com>/EBRD funds Turkey's investment in high-tech undersea cable

²⁰ Güven Sak, Feride İnan. AN INVESTMENT POLICY FRAMEWORK FOR TURKEY IN THE TWENTY-FIRST CENTURY www.tepav.org.tr

²¹ Ministry of Development, Republic of Turkey (2013). The Tenth Development Plan, 2014-2018, Ankara.

информацион ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш даражасини ошириш, логистика ва транспорт инфраструктурасини ривожлантириш ҳам долзарбдир.

Шу билан бир каторда, 10-Ривожланиш режаси мамлакатни саноатлаштириш борасида бир қанча инноватив чора-тадбирларни амалга оширишни ҳам кўзда тутади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Юқори технологик соҳаларга стратегик инвестицияларни кенг жалб қилиш учун давлат инфраструктура инвестицияларидан фойдаланиш;
- Давлат харидларидан маҳаллий фирмаларнинг инновацион ва яшил қобилиятини ривожлантиришнинг муҳим инструменти сифатида фойдаланиш;
- Урбанизация ва ишлаб чиқариш саноати ўртасидаги синергетикага эътибор қаратиш, ақлли бино технологиялари, қурилиш материаллари, жамоат транспорти ва сигнализация технологиялари соҳасида ишлаб чиқариш ва экспорт имкониятларини ривожлантириш;
- Маҳаллий кредит ва дастурлардан юқори технологик товар ва хизматлар экспортини оширишда самарали фойдаланиш;
- Туркияга хорижий компаниялар кириб келишини турли хил субсидиялаш дастурлари орқали кенгайтириш;
- Макроиктисодий, тармоқлараро ҳамда регионал мониторинг ва ҳисоблаш тизимларини кучайтириш²².

10-Ривожланиш дастури 11 та тармоқ бўйича вазифа ҳамда ривожланиш сиёсатини белгилаб қўйган: кимё санаоти, фармацевтика саноати, текстил, кийим-кечак ва чарм саноати, кончилик саноати, металл саноати, электроника саноати, тиббиёт воситалари ишлаб чиқариш саноати, машинасозлик саноати, қайта тикланувчи энергия саноати, аэрокосмик саноат, муҳофаа саноати.

Ушбу ривожланиш режасининг статистик томонига назар ташласак кўришимиз мумкинки, у ўз олдида бир неча аниқ мақсадларни белгилайди:

- Умумий ишлаб чиқариш саноати экспорти ҳажмини 2013-йилдаги 144 млрд. АҚШ долларидан 2018-йилга келиб 257 млрд. АҚШ долларига етказиш;
- Ишлаб чиқариш саноатининг ЯИМдаги ҳажмини 2013-йилги 15,5 фоиздан 2018-йилда 16,5 фоизга етказиш;
- 2018-йилга келиб юқори технологиялар импортининг умумий импортдаги улушини 3,7 фоиздан 5,5 фоизга кўпайтириш;
- Уч томонлама патентларнинг сонини 2013-йилдаги 67 тадан 2018-йилда 167 тага етказиш ва бошқалар²³.

Бу каби ислохотларни амалга ошириш Туркия иқтисодиётига ва юқори технологик соҳаларига ҳам ички ҳам чет эл инвестицияларини жалб қилиш лозимлигидан дарак беради. Савдо имкониятларини ошириш ҳамда

²² Ministry of Development, Republic of Turkey (2013). The Tenth Development Plan, 2014-2018, Ankara.

²³ Comprehensive Growth Strategy –Turkey. G-20. Australia, 2014.-p 7.

инвестициялар оқимини ошириш учун Туркия қуйдагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- Инсон капиталини ривожлантириш;
- Бозор инфратузилмасини қайта ишлоҳ қилиш;
- Технологияларни доимий янгилаб бориш, уларнинг маънавий эскириш даражасини назорат қилиш;
- Инвестицион муҳитни яхшилаш (ишчи кучи бозори, солиқ тизими, қонунчилик ва интеллектуал мулк режимини ислоҳ қилиш)
- Горизонтал инвестиция стратегияларини кенг қўллаш;

Туркияда юқори технологик тармоқларнинг ривожда инсон капитали ва таълим муҳим ҳисобланади. Аммо, таҳлиллар шуни кўрсатадики, Туркияда ишчи кучининг малакаси нисбатан паст даражада ҳамда олий таълим тизими сўнгги йилларда ҳам миқдорий ҳам сифат жиҳатдан бир неча муаммоларга дуч келмоқда. Туркияда ёши катта аҳолининг атиги 12-19 фоизи олий маълумотли ҳамда аҳолининг атиги 13 фоизи фан ва технологиялар билан боғлиқ соҳаларда фаол кўрсатади²⁴. Бу эса саноатда ҳам кадрлар малакаси билан боғлиқ бир неча муаммоларни келтириб чиқаради. Шунингдек, Туркияда инглиз тилини билиш даражаси нисбатан паст бўлгани учун ҳам мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш лозимлигини кўрсатмоқда²⁵.

Туркияда 10-Ривожланиш дастурида белгиланган яна бир мақсад бу мамлакатга жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан улушини 2018-йилга келиб 24,5 фоизга чиқариш ҳисобланади. Бу билан бир қаторда, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига йўналтирилган умумий харажатларнинг ЯИМга нисбатан улушини 2013-йилги 0,92 фоиздан 2018-йилда 1,8 фоизга кўтариш белгиланган²⁶.

Аммо, айтиш лозимки, Туркия иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб қилиш ҳамда уларнинг юқори технологиик соҳаларга йўналтирилиши билан боғлиқ бир неча муаммолар ҳам мавжуд. Бу турдаги рискларга қуйдагиларни киритиш мумкин:

- Аввало инвестицион рисклар ноиқтисодий рисклар, яъни минтақадаги сиёсий вазият билан боғлиқ. Минтақадаги нобарқарор ҳарбий-сиёсий ҳолат, Суриядаги нотинчлик, террористик хужумлар хавфи мамлакатдаги иқтисодий муҳитга салбий таъсир кўрсатади;
- Иккинчидан, Туркиядаги жорий операциялардаги дефицитни мавжудлиги мамлакатни доимий равишда чет эл инвестициялари ҳамда ташқи қарзларни жалб қилишга мажбур қилади. Шу сабабли ҳам, ташқи бозорлардаги ҳар қандай муаммолар Туркиянинг тўлов балансига салбий таъсир кўрсатади²⁷;
- Мамлакатдаги юқори инфляция даражаси. Инфляция даражаси мамлакатда ЯИМ ўсиш даражасидан ҳам юқоридир. Мисол учун 2013-йилда

²⁴ OECD Science and Technology Indicators

²⁵ Education First, English Proficiency Index (EF EPI). <http://www.ef.com/epi>.

²⁶ Comprehensive Growth Strategy –Turkey. G-20. Australia, 2014.-p 20.

²⁷ Mustafa Kutlay. The Turkish Economy at a Crossroads:Unpacking Turkey'sCurrent Account Challenge TOBB University of Economics and Technology, Ankara April 2015. – 5-p.

ЯИМнинг ўсиш ҳажми ўтган йилгига нисбатан 4,1 фоиз бўлса, инфляция даражаси 7,4 фоизни ташкил қилди. 2018-йилга келиб ЯИМнинг йиллик ўсиш ҳажмини 5,5 фоизга чиқариш, инфляция даражасини 4,5 фоизга тушириш режалаштирилган.

- Мамлакатдаги сиёсий беқарорлик, парламент тизимидаги тез-тез ўзгаришлар, Туркиянинг Европанинг бир неча мамлакатлари билан сиёсий можароларга киришиши, мамлакатдаги курдлар билан боғлиқ муммолар ва бошқаларни киритиш мумкин.

- Мамлакатга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ва кредитларнинг катта қисми асосан бозор инфратузилмасини шакллантиришга, молий ва суғурта тизмига йўналтирилмоқда;

- Мамлакатда таълим тизими катта ислохотларга муҳтождир. Бунга биргина мисол, юқорида таъкидланганидек, мамлакат аҳолисининг атиги 12 фоизи олий маълумотга эгадир. Мактаб ва ўрта-махсус таълим билан қамраб олинганлик даражаси 76 фоизни ташкил этади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Туркия юқори технологик соҳаларига хорижий инвестицияларни йўналтириш ҳажми катта бўлган тақдирда ҳам, малакали кадрлар масаласи ҳал этилмаса бу узоқ муддатли самара бермайди.

Хулоса қилиб айтганда, Туркия миллий иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, улар юқори технологик соҳаларга йўналтириш учун бугун мамлакатда кўплаб иқтисодий дастурлар амалга оширилмоқда. Қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий ва саноатни ривожлантириш дастурларининг устувор йўналишлари сифатида мамлакатда инновацион фаолиятни йўлга қўйиш, юқори технологик соҳаларни ривожлантириш, уларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш белгиланган.

Туркия юқори технологик соҳаларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ муаммоларга минтақа ва мамлакатдаги сиёсий нотинчлик, террористик таҳдидлар, юқори инфляция даражаси, жорий операциялардаги дефицит кабиларни киритишимиз мумкин. Бу соҳадаги истикболларга электрон-савдо ҳамда инновацион старт-упларга хорижий инвестицияларнинг киритилиши, мамлакатнинг логистика салоҳиятининг ривожлантирилиши, нанотехнологиялар, биотехнологиялар соҳасининг йўлга қўйилаётганлиги мисол тариқасида келтириш ҳамда 10-Ривожланиш режаси доирасида белгиланган вазифалар Туркия иқтисодиётида юқори технологик соҳаларнинг ривожланиши учун замин яратади деб ҳисоблаш мумкин.